

# ТОНГЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 3D(7003 - 7004)  
1999 йил, 30 сентябрь

Сотувда эркин нархда

Юртбошимиз 1999 йилни Аёллар йили деб атаб, бизни улуғладилар.

Аслида инсонни унинг эл-юртга кўрсатган меҳр-оқибати, халқ меҳнати улуғлайди. Умр ўтган сайин яқинларинг, сафдошларингни тез-тез эслаб тураркансан. Мен 40 йилдан ортиқ мактабда - тил адабиёт фанидан сабоқ бердим. Айниқса, байрам арафасида заҳматкаш касбдошларимни соғинаман, шогирдларимни кўмсайман. Ҳамкасбларимдан бири шоир Ҳамид Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон» достонининг қаҳрамонига айланган Зайнаб Омонова бўлади. Ҳаёт Ҳамроева, Санам Ширинова, Холжон Тожидинова, Марям Юнусова, Робия Ўрмонова,

## 1 санида - Ҳиждудон ва мураббийлар кўни

Фарида Иблиева, Шамсия Мансурова, Ўриной Абдуллаева, Фарида Ҳакимова, Ҳосият

уч қаватли бинонинг учинчи қаватини менинг номим - Саида Бақоева номи билан атабди.

Ўғлим - Озоджон шу мактабга менинг суратим чизилган портретни тақдим этди. Ўқувчилар мени мактабга таклиф қилишди. Уларнинг чехрасидаги табассумни кўриб қалбим фахрга тўлди. Устозлик касбини танлаб адашмаганимдан янада қувондим.

Саида БАҚОЕВА,  
Ҳиждудон шаҳри, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси,  
Ўзбекистон Халқ таълими аълочиси.

## ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ ЯШАБ ЎТГАЙ УСТАЗОЛАР!

Саиджоновалар ҳам юртимиз учун хизмат қилган, ўзлари ҳам ҳурматга сазовор бўлган ҳамкасбларим эдилар...

Мен 75 ёшга кирдим. Меҳнатларимни қадрлаб Мирзо Улуғбек номли мактаб жамоаси



### МЕНИНГ ИККИ ОНАМ БОР, ИККИСИ ҲАМ МЕҲРИБОН

Бу шеърни ҳар бир ўқувчи ёддан билади. Бизни ҳам илк бор қўлимиздан ушлаб синфга бошлаб кирган устозимиз - Малика опа Қобулова бўладилар. Улар меҳрибон она, талабчан устоз яқинда ижодкор ўқитувчиларнинг VIII Республика анжуманида иштирок этдилар ва Ўзбекистон халқ таълими вазирлигининг «Ташаккурнома»сини олиб қайтдилар. Биз ўқувчилар бундан жуда хурсанд бўлдик. Опамизни яна бир бор табрикладик.

Биз ҳозир юқори синф ўқувчиларимиз. Лекин ҳар куни илк

устозимизни бир кўрмасак соғиниб қоламиз. Шунинг учун аввал улар билан саломлашиб ўз дарсимизга кирамиз. Ўша вақтларда ўқитувчимиз бизларни турли ўйинлар ёрдамида ўқишга меҳр уйғотандилар. Масалан, «Сўз топ», «Топишмоқчи саволлар», «Ўйла-сўйла»каби. Биз ўқитувчимизга соғ-саломатлик тилаймиз.

Жиззах вилояти, Бахмал туманидаги Ж. Дўстмуродов номли 36-мактаб ўқувчилари номидан.

## КЕЛАЖАКНИНГ РИВОЖИ

Она тили ва адабиёт ўқитувчимиз Гулчеҳра опа Калоновага

Бамисоли сиз кўём,  
Нурунгул ер эмади.  
Шу сабаб кекса-ю ёш,  
Устоз дея севади.

Қалб меъмори, дер сизни  
Мураббий-касб гултожи.  
Сизнинг санъатингиздан  
Келажакнинг ривожини.

Қани энди бизлар ҳам  
Изингиздан боролсак.  
Кусурлар топгай барҳам  
Чиндан шогирд бўлолсак.

Насибaxon ЭРКАБОЕВА,  
Фарғона вилояти  
Қува тумани 41- мактаб  
ўқувчиси.

## СИЗ ҲУДА ЧИРОЙЛИСИЗ

Биз 4-синфда ўқиймиз. Ўқишимиз лотин тилида. Лекин кирил ёзувини ҳам биламиз. Бизга мактабимиздаги энг чиройли ўқитувчи сабоқ беради. Байрам арафасида шу устозимиз - Наргиза опани табрикламоқчимиз. Улар яқинда ўқишни тугатдилар. Яна ўқишга кирибдилар. Қандай ўқиш деб сўрасак, магистратура деб айтдилар. Доим кўллариди китоб. Бизни ҳам китобга дўст бўлишимизни доим таъкидлайдилар.

Бизга иккинчи йили дарс беришлари. Барча ўқувчилар уларни жуда яхши кўрамиз. Байрам кунларида биз меҳрибон, ўқ вақтида қаттиққўл, чиройли устозимиз - Наргиза опамизга ҳамиша соғлиқ, яхши кайфият тилаймиз. Ҳеч қачон биз болалар билан зерикманг, чарчаманг, байрамингиз қутлуғ бўлсин, опажон, деймиз.

ИСКАНДАР. БАХРОМ,  
ЖАВЛОН, ДИЛШОДА, ЗАМИРА, ЭЛПОД,  
Пойтахтимиздаги  
206-мактабнинг 4-«Г»синф ўқувчилари номидан.

# Куйи ҳам биттадир, Ватан ҳам битта

Диёрим Ўзбекистондур, ки андин  
ифтихорим бор,  
Демакким, хур адолатлиг давлати  
барқарорим бор.  
Онамдек меҳрибон, мунис Ватан бор,  
ғамгузорим бор,  
Ватандин айри кўнгулни билинги,  
яйратиб бўлмас,  
Баайни, банди булбулни чамансиз  
сайратиб бўлмас...  
Абдулла ОРИПОВ.



муносабатда бўлиш, ундан нима олсак, юз ҳисса ортиги билан қайтариш бизнинг бурчимиздир. Аввало, Ватан остонадан бошланади. Туғилиб ўсган уйимиз, қишлоғимиз, туман, вилоят ва ниҳоят буюк давлатимиз Ватанимиздир. Ҳеч ким ўзи туғилиб ўсган маконини бутун дунё бойлигига олишмаса керак.

Ёдимизда, буюк бобокалонимиз шоир ва шоҳ тарихчи ва машшоҳ, бинокор ва сайёҳ Захириддин Муҳаммад Бобур тақдир тақозоси билан Хиндистонда яшайди ва ҳукмронлик қилади. Унинг беҳисоб молу-мулки, зару-забаржаллари бўлса ҳам юрагида дарди-Ватан армони билан яшайди. Андижонда вояга етган, Моворауннахрни ўз юрти деб билган Бобур ватанидан қарийиб беш минг чақирим йироқда Ҳинд юртида ўзини беватан сезарди.

*Толейи йўқи, жонимга балолуғ бўлди,  
Ҳар ишни айладим, хатолиғ бўлди.  
Ўз юртни қўйиб, Ҳинд сари юзландим,  
Ё раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди...*

Ёки мустабид тузумида бизнинг юртимиздан бадарға қилинган ер юзининг турли давлатларида яшаётган ўзбеклар радио, телевидение, матбуотда чиқиб айтаётган дил сўзлари орқали Ватан соғинчи ила бир умр армон ва алам билан яшаб юрганларини билиб,, эшитиб Ватаннинг нақадар азиз ва мўътабар эканлигини англаймиз. Ватан туйғуси айниқса, бироқ иш ёки юмуш билан турли сиёсий, иқтисодий, иш алмашиш мақсадида чет элларда бўлган жуда кўп юртдошларимиз чуқур ҳис қилганликларини айтишади. Улар ўз Ватанининг тупроғини зориқиб, энтиқиб, соғинганларини, дунёнинг гўзал масканларини ўзларининг бир сиқим тупроқларига олишмасликларини айтишади. Буни биз ҳам ҳис қилишимиз, Ватанимиз қадрига яна ҳам кўпроқ етишимиз керак. Бизга шундай Ватанни Оллоҳ насиб этганки, унга минг бора шукроналар айтишимиз лозим. Биз

Ватанимизнинг сайроқи қушларини, зилол сувларини, жаннатмакон табиатини дунёда тенгсиз ер ости бойликларини, тоғу-тошларини, ям-яшил қиру-адирларини кўз қорачигидек асраб-авайлашимиз керак.

Бундай доруломон кунларни кўриш қанчадан-қанча ота-боболаримизга насиб этмади. Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Бехбудий, Абдулла Авлоний, Файзулла Хўжаевлар миллатимизнинг озодлиги йўлида жонларини аямаганлар. Зеро, Хуршид Давроннинг мана бу сатрларини ўқиганимда, вужудим титраб кетади.

*Жоним, оғриқлардан чинқирган жоним,  
Эй, олис боболар пидоси, қоним,  
Умримнинг озори Ўзбекистоним,  
Сени жондан суйган, дардингда куйган,  
Ўғилларинг номи аталди харом,  
Қодирий отилди, Чўлпон отилди,  
Файзулла Хўжаев қилинди бадном.*

*Сени жондан ортиқ, жаҳондан ортиқ,  
Кўрганларнинг дили оғриққа тўлди.  
Фитрату Бехбудий кўкрагида тиғ,  
Усмон Носир совуқ Сибирда ўлди.  
Куйма, падаркушлар зоти кўп десам,  
Марди йўқ, уларнинг ҳаммаси кўрқоқ,  
Ватаним, сени деб юрганлар эса,  
Битта бўлганда ҳам, улардан кўпроқ.*

Озода АСЛАНОВА,  
Навоий вилояти, Хатирчи туманидаги,  
Х.Х. Ниёзий номли ўрта мактаб  
ўқувчиси.

## ХУШЁР БЎЛАЙЛИК

Ҳозирги кунда тинч ҳаётини йўқотиб кўйган айрим юртлар осуда дамларини кумсаб яшамоқда. Баъзи нопок кимсалар сабаб беғуноҳ халқнинг тинчи бузилди.

Неча йиллардан бери ўз халқига ўзи озор бериб келётган Тожикистон, Афғонистон, Чеченистон воқеалари инсон қалбини ларзага солмоқда. Энди эса кўпчиликнинг фикру-хаёли Россияга қаратилди. У ердаги кўп қаватли турар жой биноларининг портлаш сабаб, кўплаб одамлар халок бўляпти. Телевидение орқали вайрон бўлган бинолар, яқинларидан айрилиб қолганларнинг фарёд чекишларини кўриб ўша ёмон одамларга нисбатан нафратим уйғонди. Уларнинг ҳам юраги бормикин? Ёки тошга айланиб кетганмикин? Уларнинг кўзига қоронғу ва зулматли кунлар ёруғ бўлиб кўринмоқда. Лекин ишонаманки бир кун хато қилганларини англаб етадилар. Бироқ у вақтда кеч, жуда кеч бўлади.

Шу нафратимни Қирғизистон чегараларидагиларнинг тинчини бузаётган жангарилар тўдасига ҳам қарага айтмоқчиман. Улар қилмишининг охири вой. Ораларида ўзбекман, деб юрган ватанфурушларга ўзбек элининг иссиқ бағрида уларга жой йўқдир. Ислом динини ниқоб қилиб олган, ўз манфаати йўлида ҳеч нарсдан тоймайдиганлар ўз ниятига етолмайдилар.

Бунинг учун эса биз барча юртдошлар хушёр бўлишимиз керак. Ватанимизнинг ҳар бир қарич ери биз учун муқаддасдир.

Шахло МУТАЛОВА,  
ДошДУ, журналистика факультетининг  
1-курс талабаси.

## ОНА - МУҚАДДАС ЗОТ

Агар биздан дунёда энг азиз зот ким? - деб сўрашса, сира иккиланмай - Она деб жавоб берган бўлардик. Она сўзи нақадар ёқимли ва жозибали. Биргина шу сўзнинг замирида қанча-қанча маъно бор.

Мен ҳар куни мактабдан қайтиб келиб, онажонимни кўрганимда шундай хурсанд бўлиб кетаманки, буни сўз билан таърифлаш қийин. Оналаримиз бизни гўдаклигимиздан оқ ювиб, оқ тараб, катта қиладилар. Биздан келажакда яхши инсонлар етишиб чиқишини орзу қиладилар. Лекин...

Лекин дунёда шундай инсонлар ҳам борки, ўз оналарини хору-зор қилиб кўядилар. Уларни ёмон сўзлар билан ҳақорат қиладилар. Шундай инсонлар қаторига 16-февраль куни юз бетан мудҳиш воқеада қатнашган кимсалар кирадилар. Улар ўз нафслари йўлида ота-оналарини унутиб, уларни норози қилишган. Лекин албатта улар бу қилмишлари учун жазосини олдилар. Бу Онадек муқаддас зотни норози қилган инсон ҳеч қачон узоққа бора олмаслигининг исботидир.

Истардимки, дунёдаги барча ота-оналар униб-ўстираётган фарзандлари роҳатини кўришса. Уларнинг кўзларидан ҳеч қачон ёш оқмаса. Уларнинг лабларидан севинч ва бахт табассуми сира-сира аримаса...

Азиз тенгдошлар! Бу йил-Аёллар йили. Келинг, шу аёллар йилида онажонларимиз дилларини севинчларга тўлдирайлик. Ўзимизнинг нотўғри ишларимиз билан уларни ранжитиб қўймайлик. Уларни ҳурмат қилиб, дуоларини олайлик.

Малоҳат ЗИЯЕВА,  
Фарғона вилояти, Данғара  
туманидаги С.Айний номли 33-ўрта  
мактабнинг 7-синф ўқувчиси.

1 октябрь - Ўқитувчилар ва мураббийлар куни

## ДУНЁДА БИР КАСБ ЎРДУИ...



Атрофингизга бир назар гашланг. Нималарни кўрасиз? Албатта, кўркем биноларни, дарахларни, кўчаларга экилган гулларни, магазинларни ва ҳоказо. Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, мана шундай биноларни, мана шундай гўзал манзараларни бунёд этиш учун кимлар бел боғлаганини? Менимча, бу қақда кам ўйласангиз керак. Лекин аслини олиб қараганда, фақатгина бундай гўзал дид билан, эстетик жиҳатдан жуда чиройли ишланган ишларни ўқиган инсонларгина амалга оширади ёки бўлмаса бош бўлади. Мана шундай инсонларга ким билим беради. Албатта ўқитувчи.

Ўқитувчи. Бу сўз қанчалар улғу ва аъзолигини биргина сўз билан таърифлаш қийин қилади. Ҳозир ҳам сўз юритмоқчи бўлган касбим бу ўқитувчилик касбидир. Ўқитувчилик касби ҳам фахрли, ҳам машаққатли касбдир. Кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қиладиган, келажак авлодни тарбияладиган, ҳаётнинг кейинги босқичларига олиб чиқадиган бу ўқитувчидир. Ўқитувчилик касбини эгаллаш жуда мушкул ишга бел боқлашдек гап. Чунки ёш болаларни тарбия-

лашни, қўлига қалам ушламаган болалар билан ишлашни ўзи бўлади дейсизми.

Ҳар куни кечаси билан болаларнинг дафтарини биттадан текширишни, хатоларни

тўғрилашни осон дейсизми. Эрта тонгда туриб, мактаб хонасидаги тартибларга қарайдиган, уларни бошқариб турадиган ўқитувчи эмасми? Барчамиз оиламиз ва боши-

миздан ўтган. Биргина синфда турли оиладан келган ўқувчилар бўлади. Бири йиғлоқи, бири инжик, оғир, тўполончи... қўяверингки характери ҳар хил. Ана улар билан ишлашнинг мушкуллигини айтмайсизми. Ҳар бирига ўзгача муомалада бўлиш, бундан ташқари биринчи навбатда партада тўғри ўтиришга ўргатиб бориш ва бунини доим такрорлаб туриш каби масъулият ҳам ўқитувчи зиммасига юкланади. Агар ўқитувчининг ўзи саводсиз, бадхат, дунёқараши тор, нутқи ривожланмаган, кам фикрли, ўқувчиларга мавзунини яхши етказа бера олмайдиган, уларни тартиблиликка чақира олмайдиган бўлса нима бўлади? Келажак авлод қандай қилиб билимли, ақлли, зукко, ҳар томонлама ривожланган бўла олади.

Демак, биринчи навбатда ўқитувчиларнинг ўзи билимли, изланувчан, ташаббускор бўлмоғи керак. Ана шундай ўқитувчиларнигина ўқувчилар вояга етганда мактабни бити-

риб кетгандан кейин ҳам яхши ном билан тилга олади ва шу ўқитувчисидан фахрланади.

Ўқувчиларнинг қолипи бақувват бўлса, ундай ўқувчи ҳеч қаерда қийналмайди. Лекин мактаб пайтларида ҳар қандай ўқувчи ўқитувчидан осонгина баҳо олишни хоҳлайди. Ўқитувчи баҳони осон қўйиб берса хурсанд бўлади. Аксинча қўйиб бермаса ўқитувчидан ёмон одам йўқ. Аслини олиб қараганда булар ўқувчиларнинг ўзлари келажакда қийналишларига олиб борадиган йўлдир. Агар ўқитувчи болаларга ёшлигидан, яъни бошланғич синфлардан билимларни чуқур бериб, вақтида сўраб, баҳолаб борса, талабчан бўлса, ўқувчи келажакда катта билим юртларида ўқишга ҳам қийналмайди. Бундай пайтларда, албатта ўқитувчидан биринчи навбатда сабр-тоқат, чидам, ирода талаб этилади. Ана шуларни енгиб ўтган ўқитувчи Ўзбекистоннинг ҳақиқий фарзандлари бўлиши келажак авлоднинг мукамал тарбиялаётган бўлади.

**Ирода МИРСОАТОВА,**  
1-сонли Тошкент педагогика билим юртининг талабаси.

### Мухтарам устозлар ва мураббийлар!

Сизларни умумхалқ байрами 1 октябрь - Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан сиздан кутлаймиз. Ёш авлодга тағлим-тарбия беришдек матонатли фаолиятингизга ривож тилаймиз!

"Тонг юлдузи" газетаси жамоаси.

## АГАР АЁЛ РАҲБАР БУЛСА



Пискент шаҳридаги 42-ўрта мактаб. У шундоқкина анҳор бўйида жойлашган. Табаррук даргоҳга қадам қўяман. Ҳаммаёқ саранжом саришта. Каттагина ховлига шакароб қилиб сув сепилган. Йўлка четларида анвойи гуллар. Синфхоналардан болақайларни жўр овозда такрорлаётган сўзларининг акс-садолари эшитилмоқда. Ҳа, юртимиздаги барча мактаблардаги одатий ҳол бу. Аста мактаб биносига қирамиз. Қия очик турган "Директор" хонасига мўраладим. Хонада ўзгача файз, орасталик, ажиб руҳ ва гулдонга бир даста қилиб солиб қўйилган садарайхон бор эди. Райхоннинг иси хонани тутган. Кўнглимдан кечган биринчи ўй шу бўлди. Бу ерда раҳбар аёл киши экан...

Мактаб ҳаёти билан танишар эканман, тахминим тўғри чиқди. Раҳбар мактаб директори Машкура Раимжонова экан. Онаси бор уйдек гуркираётган мактаб ҳаёти билан таниша бошладим. Мактаб расман ўтган йили очилди. 9 йилликка мўлжалланган бу даргоҳда 1000 дан ортик болажонлар савод чиқармоқда. Пискент шаҳридаги энг замонавий, кўркем бу мактабнинг ҳозирги ҳолатга келишида Машкура Раимжонова ва жонқуяр ўқитувчиларни хизматлари катта,

дейди мактаб илмий бўлим мудир Малика Мирсоатова.

Ўқитувчиларимиз болаларга тағлим-тарбия бериш билан бир қаторда ҳамиша мактаб худудидаги ишларда фаол. Ҳали кимдир кўчат эккан, кимдир тозалликка қараган, кимдир ўйин майдончаларини тартибга келтирган. Устозларнинг бу ҳаракатларини кўрган болажонларда ҳам ўқув масканларига нисбатан алоҳида меҳр бор.

Асосий эътибор бошланғич синф ўқувчиларига қаратилган. Мактабнинг энг эътиборли томони шундаки, болажонлар 4-5 йил тарбияланган боғчаларидан чиқиб синфхоналарга киришади. Хордиқ ўйин учун устозлари яна боғча хоналарига боришади. Бола ўсаётган муҳитдан бир йўла ажратиб олинмайди. Бунда бу комплекс лойиҳасини ишлаган муҳандисларнинг ижодкорлиги қўл келиб, муваффақиятли чиқди. Мактаб чиқазган битирувчилар (шаҳардаги Ойбек номли 5-ўрта мактабнинг собиқ ўқувчилари худуд жиҳатидан бўлинишган) ҳам муаллимларини қувонтиришди. Тест синовларини муваффақиятли топшириб, Тошкент педагогика билим юртига 4 нафар, бухгалтерия ихтисоси бўйича 1 нафар ўқувчи талаба бўлди. 20 га яқин ўқувчилар эса касбухона коллежида тағлим олишни давом эттирмоқдалар. 15 нафар ўқувчилар Пискент шаҳридаги лицейга тест синовлари топширидилар.

Бу йил билим даргоҳида йўналтирилган синфлар ташкил қилинди. 8-5 синфлар математика фанига йўналтирилган бўлиб, ўқитувчи Дилбар Туропова уларга мураббийлик қилмоқда. Замира Баходирова рус тили, Худойқул Омонов мусика бўйича йўналтирилган синфларни олиб боришмоқда.

Мактабдаги кўтаринки руҳ, баркамол авлодлар камол топишидаги изланишлар, янгилик яратишга бўлган интилиш бу ерда қадам босган кишига ҳамроҳ бўлади.

Синфхоналарда дарс бормоқда. Йўлка бўйлаб охиста юраман. Болалик хотираларим бўй чўзади. Зимдан ўзим ўтирган партани қидираман. Қаранг, бу ерда ҳеч бўлмаганман, оҳари тўкилмаган хонаю, парталар ўтмишига мени етаклайди. Ширингина қизалоқ ўша 3-партада ўтирибди. Алланарсаларни бериб ўқимокда. Муаллим уни ёнига келиб, жажжи қўлчасини меҳрли кафтига олди ва товуш чиқариб, рўққани қозоғга юргазди. "Она... қани энди ўзинг ёзчи, ҳаммамиз ёзамиз ва такрорлаймиз: О-на..."

Эшик олдида хаяллаб қолганимдан хижолат бўлиб, нари кетдим. Кўнглим тўлди. Онасини таниган бола Ватанни, миллатни танийди. Қалби эзгуликка йўғрилади. Тинчлик, дўстликни қадрига етади. Қалбадаги бу меҳр булогини эса устози аввал очади. Сочларига оралаган ҳар бир оқ шу болақайларни ўзлигини танитиш йўлидаги машаққатдир. Танаффусга кўнғирок чалинди. Шўх кулгили шодон болалар оққушчалардек гир-гир уча бошладилар.

Узоқдан мактаб директори Машкура опа жонхалак кўринди.

- Ҳой-ҳой, секин-секин, йиқилиб тушмагин, болам.

- Устози, болаларингизни ошхонага олиб бординг, қорни очиб қолмасин.

- Қани, тугмангни қадаб олчи. Ҳа, баракалла...

Шу пайт кучоқ-кучоқ гуллар кўтариб келаятган ўқувчилар устозларини ўраб олишди. Менга фақат табриклаймиз, табриклаймиз, раҳмат, деган сўзлар эшитилди.

Ўша томон ошиқайтган ёшгина ўқитувчидан секин сўрадим:

- Машкура опани нима билан табриклашяпти?

У ўқтам овоз-ла:

- Ия билмайсизми, опа "Халқ маорифи аълочиси" унвони билан мукофотландилар. Яна ўқитувчилар байрами муносабати билан, - деди-ю шошиб йўлида давом этди.

Мен ҳам устозларимни, юртимиздаги барча муаллимларни чин кўнглимдан байрамлари билан табриклайман. Дунёдаги барча гўзал, покиза, дилбар нарсалар сизларга бўлсин устозлар, - дея дилим қандайдир ифтихору-гурурга тўлиб, файзли, аёл киши раҳбар бўлган масканни тарк этди. Кўнглим эса ўша ерда қолди...

Маҳлиё ПИРМАТОВА.

## ТАЛАБАЛИК ҲУЖЖАТИ

Куни кеча 1-сонли Тошкент педагогика билим юртида талабаларга талабалик ҳужжатини бериш маросими бўлиб ўтди. Бу анжуманда билим юртининг барча 1-курс талабалари қатнашдилар. Бу йиғилиш эса талабаларга қўшалок байрам бўлди десак муболага бўлмайди. Чунки яқиндагина бу талабалар тест синовларини топшириб, уларга омад кулиб боққан эди. Талабалик ҳиссини янада оширишда бу йиғилишнинг аҳамияти жуда катта бўлди. Талабалик ҳужжатини олишда бир қанча зиёли кишилар, билим юрти раҳбарияти сўзга чиқдилар. Улар ёш қалдирғочларнинг ўқишларига, ишларига ривож тилаб қолдилар. Шундан сўнг барча талабалар қасамёд қилиб ўз талабалик ҳужжатларини қўлларига олдилар. Яна шу куни талабаларни хушнуд этиб, кўнгилларини кўтариш учун кинофильмлар қўйиб берилди. Бундан йиғилган ота-оналар, талабалар жуда хурсанд бўлишди.

Ирода СОБИРЖОН қизи.

## ЮРТИМИЗ ТИНЧ, ДЎСТЛИК АБАДИЙ БЎЛСИН

Азиз ўқувчилар! Менинг сизларга таништираётганим бўлган синглим Нилуфарнинг ёши 17 да. Тошкент шаҳрида туғилган. У ҳам сиз каби газетамизнинг жонкуяр мухлиси. Ўзининг сеvimли машғулоти бичиш-тикишдан ортиб газета, китоб ўқишга, радио тинглаб кўшиқ эшитишга вақт топади. У яна Марказий зобитлар уйи қошида ташкил этилган бичиш-тикиш курсининг 2-курс талабаси.

Келинг, сиз ҳам Нилуфар билан бўлган суҳбатимизни бир ўқиб кўринг.

- Нилуфар, тўғриси, сиз тиккан кўйлақларни кўриб ҳавас қилмайдиган қизлар жуда кам топилса керак.

Бичиш-тикиш сирларини шу даражада маҳорат билан эгаллашга қачон улгурдингиз?

- Сизга айтдимми-йўқми, билмадим, опам тикувчилар (Нилуфар онасига "опа" деб мурожаат қиларкан). 4 ёшлигимдан бошлаб кўйрақларимга кўйлақ тикишни, чиройли қилиб кийинтириб кўйишни яхши кўрардим. Опам тиккан кўйлақларини мен кўйрақларимда такрорлардим. Хамиша уйимиз гажум бўларди. Менинг эса опамларга ҳавасим келарди.

- Ҳозир эса дугоналарингизни сизга ҳаваслари келса керак, шундай эмасми, Нилуфар?

- Тўғри, ўзлари бу ҳақда кўп айтишади. Лекин атрофимдаги қизларнинг кўпчилиги бичиш-тикишнинг анча-мунча сирларидан хабардор қизлар. Кўпинча кўйлақларнинг андозалари тўғрисида маслаҳатлашиб, тортишиб ҳам оламиз.

Назаримда, кўйлақ костюм-юбка, хатто костюм-шимни ҳам ҳамма тика олиши мумкин. Лекин мана шу кийимларни безатиб, кўрқига кўрқ кўшадиган баъзи бир элементлар бор-ки, бу жуда муҳим. Олдингина тугмалар, қўлда тайёрланган гуллар, мунчоқлар билан

безатилган ҳошиялар ҳам руҳингизни кўтариши мумкин.

- Нилуфар, сиз бўш вақтларингизда келинлар учун ноаънавий тўй либослари тикишни ёқтирар экансиз.

- Нима десам экан. Тўғри, ўтган йили Тошкент шаҳрида туманлараро ўтказилган "миллий тўй либослари" кўрик танловида фахрли иккинчи ўринни олдим. Танлов иштирокчиларининг ҳаммасига, яъни чевар қизларга ўзимизнинг устимизда янада кўпроқ ишлашимиз учун мажбуриятлар юклади. Айниқса, тўй либосларининг миллийлиги хусусида бир-биримиз билан ўртоқлашганимиз яхши бўлди. Билмадим, келинчақлар мени назаримда, фақат тўй куни кийиладиган либосгагина эмас, балки тўйдан кейин кийиладиган либосларга ҳам аҳамият беришлари керак, деб ўйлайман. Чунки ёш кизалоқлардан тортиб, каттаю кичик келинчақнинг ҳар бир қадамига ҳавас билан қарайди, кийимларига диққат билан эътибор беради. Ҳаттоки, ўраган рўмолларида ҳам маъно бўлса, яхши-да.

- Нилуфар, эшитишимча, яхшигина овозингиз бор экан. Кўшиқ ҳам айтар экансиз...

- Тўғриси, кўшиқ айтишни жудаям яхши кўраман. Лекин кўшиқ айтиш учун алоҳида вақт ажратмайман. Ошхонада овқат пишираётганимда, кўйлақ тикаётганимда, баъзи-баъзида қизлар даврасида айтаман.

- Қайси таомларни яхши кўриб тайёрлайсиз?

- Лағмонни. Дадам ҳам, опам ҳам чўзма лағмонни яхши кўрадилар. Айниқса, Равшан акам ҳар куни лағмон қилсам ҳам йўқ демайдилар. Тўғри, лағмонни иши бироз кийинроқ. Лекин менга Умида синглим ёрдам беради.

- Нилуфар, Умида ҳам бичиш-тикишга қизиқса керак-а?

- Унчалик ҳам эмас. У кўпроқ газета-журнал ўқишни яхши кўради. Бу йил ҳам синфдошлари билан "Тонг юлдузи" ва "Гулхан" журналига обунга бўлишибди. Мен ҳам бундан анча хурсанд бўлдим. Чунки у газета ва



журнални уйга ҳам олиб келади. Улардаги кизиқарли мақола, шеър ва хикояларни биз ҳам кизиқиб ўқиймиз.

- Нилуфар, насиб қилса, сиз билан бўлган ушбу суҳбатни "Тонг юлдузи" газетасига бериш ниятим бор. Газета ўқувчиларига тилақларингиз борми?

- Тилагим - юртимиз тинч бўлсин. Газета ўқувчилари қайси вилоятда бўлсалар ҳам омон бўлсинлар. Тинчлик, дўстлик абадий бўлсин.

Хосият РУСТАМОВА суҳбатлашди.

Азиз дўстим! Мана иктисодиёт бора-сида ҳам анча-мунча нарсаларни ўзлаштириб олдингиз. Энди хайрлашасан ҳам бўлади. Лекин ҳаммасига бирваракайига нукта қўйиб бўлмайди. Чунки биз ўтган вақт мобайнида шунчаки майда-чўдалар хусусида фикр юритмадик. Биз ўзлаштирган предмет жуда сирли, мукамал ўрганилмаган, ҳаттоки, мураккабдир.

Жиддий нарсалар хусусида гаплашмоқчи бўлсангиз ишни нимадан бошламоқ керак? Билмайсизми, ҳа, майли, ҳозир ўрганиб оласиз. Ўрнингиздан туриб, кўзгу ёнига боринг. Кўзгудаги акс эгаси, демек Сиз борсиз. Мана шу Сиз бизнес билан жиддий шуғулланмоқчисиз.

Бойлик сари қўйилган қадамнинг биринчиси - хоҳиш. Бу сизда бор. Ким ҳам бой бўлишни истамайди, дейсиз. Бу кинояли сўзларингиз ўринсиз. Диванга ётиб олиб, бой бўлишни орау қилиш бошқа бир иш. Бош бўлиш учун режалар ишлаб чиқиб, ҳаракат қилиш бошқа иш. Бутун вужуди билан ишга берилиш, янгиллик яратишга интилиш, доимий иш билан банд бўлиш, ўз устиди мунтазам ишлаш - мана омади келган кишиларнинг асосий хусусиятлари, - дейди америкалик миллионер Харри Роузен.

Шундай қилиб, диванда оёқни осмондан қилиб ётмасдан, қатъият билан ҳаракатга киришмоқ керак. Америкалик 42 та нашриёт (!) эгаси ёзувчи Наполеон Хилл ўзининг "Ўйла ва бой бўл" китобида бой бўлишни 6 та сирини айтади.

**Биринчидан**, сизга қанча микдорда пул керак бўлишини билиб олиш лозим. Бу дегани сизга бой бўлишингиз учун қанча пул керак? Бир миллионми ёки икки миллиондир? Балки юз миллион! Бу нозик масала. Чунки аниқ мақсадни белгилабгина унга эришиш мумкин.

**Иккинчидан** (бу жуда муҳим) ўзингизга ўзингиз виждонингиз олдида очик айтишга эришмоқчи бўлган бойлигингиз эвазига қанча тўламоқчисиз. Инсон фақатгина кўнгилхушлик учун бой бўлишга интилмайди. Сиз бир нарсани яхши билиб олинг: бугунги бизнес инсонни бутунлигича ўзига қамраб олади. Сиз бунга тайёрмисиз? 18 соатлаб ишлашгачи? Дўстла-

## ИМКОНЦИЯТ ЭШИГИ



рингиз билан камроқ учрашишга тўғри келади. Ёқтирган қизингиз бўлса, у билан ҳам. Бизнес билан шуғулланиш учун кўп нарсалардан воз кечишни талаб қилади.

**Учинчидан**, Муддат масаласи. Пулни ишлатиш жараёнидаги режа ўзгармаслиги керак. Бизнес - аниқ иш. У қатъий режа талаб қилади. Шунинг учун, **тўртинчидан**, ўз-ўзингиз билан келишиб олиб, ён дафтарингизга ёзиб олинг, пулни нимага ишлатмоқчи бўлсангиз, аниқ мақсад сари юринг.

**Бешинчиси**, пул топиш режасини аниқ қилиб чиқинг. Бу қорозлар ҳаётингизни асосий қонуни. Ва ниҳоят, **олтинчиси**, сиз қанча чарчаманг, қанчалик сизни мудроқ қилиб, кўзларингиз юмилиб кетмасин, бу олти қоида ёзилган ён дафтарчингизни очиб ўқинг ва ўзингизга: "Мен ўз мақсадимга эришаман, мен гала-

ба қозонаман", - денг.

Ана кўрдингизми, бой бўлиш осон ва олдий иш эмас. Хоҳиш ва ишонч - билим-сиз ҳеч нарса эмас. Сиз шунини билиб қўйингизки сизга айнан қандай билим керак. Бизнесмен бўлиш учун ҳар соҳадан бир шингил қилиб ўқиб қўйиш ярамайди.

Ўдингиздами, Буратинони тулки Алиса билан Базилио номли мушукчалар қандай алдаганликлари. Улар Буратинонинг билмасвойлигидан фойдаланишди. Буратино замонда тангадан ҳам дарахт ўсиб чиқадими, деган саволга жавоб билмаган. Шунинг учун уни тунаб кетишди. Сизда ҳам етарли билим бўлмаса, истаган пайтлари алдаб, бор пулингизни шилиб кетишлари ҳеч гап эмас. Мактабда билимсиз бўлсангиз "икки" бахони қўйиб беришади. Бунга-ку чидаса бўлади, лекин бизнесда синиш! Бу - дахшат!

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Сиз ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, бизнесмен - алоҳида бир шахс эканлигини. У, яъни сиз - ўзингизга хос хатти-ҳаракатларингиз билан ажралиб туришингиз керак. Буни асосий кўри-нишларидан бири ақл билан иш кўриш. Сизга ўша машҳур "Ти-би-эс" телекомпаниясининг асосчиси Тед Тернернинг исми таниш бўлса керак-а!

Агарда унинг ўйлаш, фантазия қилиш қобилияти бўлмаганда зарарга фаолият кўрсатаётган "Метро-Голдвиль-Мейер" номли киностудиясини 1.6 миллиард долларга сотиб олган бўлармиди. У буюккорхонани сотиб олди ва юқори кўрсаткичларга эришадиган ташкилотга айлантирди.

Тед Тернерга яна бир ҳислати ёрдам берди. У ҳам бўлса, журъат эди. Агар шу

бизнес орқали боймоқчи бўлсангиз, тез ва тўғри хулосага келишни удралашингизга тўғри келади.

Бизнес худди ўйинга ўхшайди. Бу ерда у хоккей: салгина сусткашликка йўл қўйсангиз тамом. Шайба рақибимиз қўлида. Ишни тўғри ҳал қила билмаслик - ютқазилди. Лекин сиз кичкинагина омад-сизликдан-да аччиқланиб кетадиган бўлсангиз яхшиси, бизнес билан шуғулланманг.

Ўдингизда сакланг: дунёда ҳеч бир бой инсон йўқ-ки, бойликка элтувчи йўлларида гуллар тўшалиб, поёндошлар ёзилиб қўйилган бўлса. Йўлда ҳар нарса бўлиши мумкин. Кимдир йиқилади, кимдир мақсад сари олға бораверади. Шунинг учун ҳам бизнесменга муштакам соғлиқ ва қатъиятлик керак.

Фрэнк Филлипс Небраска штатидаги фермернинг тўққиз боласидан бири бўлган. Ишни сартарошга ёрдамчиликдан бошлаб, дунёдаги энг йирик "Филлипс петролиум" нефть корпорациясини юргатиш билан якунлади. Қатъий эътибор, бир сўз билан бўлмаган киши шунақа мураккаб жараёни амалга ошира олармиди? Йўқ, албатта.

Бундан ташқари унга бошқа ишбилармонлар катори - зехн, фаросат ёрдам берди. Ҳаттоки инсон қатъиятли, лекин зехнсиз бўлса, катта ва жиддий ишни удралай олмайди.

Бугунги кунда яқка холда бой бўлишнинг иложи йўқ. Шунинг учун бошқалар билан ишлашни, шерик топишни ўрганиш керак. Бу жуда қийин иш. Лекин бизнес ишбилармонлар фаолиятида жанг майдонига айланиб кетмасин. Бу ишларни қилиш қийинга ўхшайди-ку, дейсизми. Сиз билан бу борада баҳслашмайман. Лекин атрофингизга қаранг. Қанчадан-қанча одамлар, мамлакатимизда, дунёда бойлар сафига қўшилмоқда. Нима учун энди улар бой бўлади-ю, сиз бўлмайсиз? Улар удралаган ишни нега сиз удралай олмайсиз? Нима, улар бошқа сайёрадан келишибдими?

Бугун юртимизда имкониятлар эшиги очилмоқда. Унда ҳамма бой бўлишга кириб кетаяпти. Нега сиз йўқсиз?!

Қани олға, сиз, агар истасангиз, албатта, муваффақият қозонасиз!

# СИНФДОШЛАР! "СИНФДОШ"ДА "ЁШ ИҚТИСОДЧИЛАР" КОНКУРСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Азиз тенгдошлар!

Ёдингизда бўлса, жонажон "Тонг юлдузи" газетамизнинг 1999 йил 13 апрель кунги сониди "Синфдош" журнали саҳифаларида "Ёш иқтисодчилар" конкурси эълон қилинганлиги ва унинг 1-тур топшириқлари билан сизни хабардор қилган эдик.

Яқинда "Зукко иқтисодчи ёшларнинг "ЗИЁ" клуби аъзолари ва иқтисодиёт фани ихлосмандларидан кўплаб хатлар олдик. Уларда ёз ойларида конкурснинг кейинги тур топшириқларини бажаришда қийналганликларини ёзишибди.

Шу боис, "Ёш иқтисодчи"лар конкурснинг иккинчи ва "Тонг юлдузи" газетасининг келгуси сониди охириги - учинчи тур топшириқларини ўз саволларимизда қайта эълон қилишни лозим топдик.

Эслатиб ўтамиз, конкурс лойиҳаси муаллифлари фан номзодлари Э.Сариқов ва Б.Ҳайдаровлар бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Республика таълим маркази Республика иқтисодчи ёшларни қўллаб-қувватлаш "Улугбек" жамғармаси ва "Синфдош"

журнали билан бирга ҳамкорликда ўтказилмоқда.

Конкурс - сиртқи, уч турдан иборат бўлиб, топшириқларга жавоблар 1999 йил 20 октябрга қадар қабул қилинади.

Ҳар бир топшириқ уч бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлимда иқтисодиёт бўйича назарий билимларингизни синаб кўришингиз мумкин. Иккинчи бўлим топшириқлари тест синовидан иборатдир. Учунчи бўлимда амалий мазмунга эга бўлган бир нечта иқтисодий масалалар тақлиф қилинган.

Конкурс ғолибларини ҳомийларнинг қимматбахо совғалари - **телевизор, стереомагнитофон ва 5 та аудио-плеерлар** кутмоқда.

Конкурсни яқунлашга жуда кам вақт қолди. Ўз билимларингизни синаб кўринг!

Омад сизга ёр бўлсин, азиз тенгдошлар.

Зукко иқтисодчи ёшлар "Зиё" клубининг аъзолари номидан

**Азиза ҲАЙДАРОВА,**

**ТошДУ қошидаги лицей 9-синф ўқувчиси.**

## А. Асосий тушунчалар

А. Куйида рақамлар билан иқтисодий атама-лар, ҳарфлар билан эса уларнинг талқинлари белгиланади.

Қайси талқин қайси атамага мос келишини аниқлаб, жавоблар жадвалини тўлдиринг.

1. Даромад.
2. Фойда (Зарар).
3. Таннарх.
4. Рентабеллик.
5. Меҳнат унумдорлиги.
6. Доимий харажатлар.
7. Ўзгарувчан харажатлар.
8. Улгуржи нарх.
9. Чакана нарх.
10. Акция.
11. Дивиденд.
12. Кредит фоизи.
13. Кредит фоизи ставкаси.

а) Маълум давр давомида битта ишчи томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори (қиймати).

б) Ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига боғлиқ бўлмаган харажатлар.

в) Ҳиссадорлик жамияти томонидан чиқарилган қимматли қоғоз.

г) Корхонанинг маълум даврдаги ишлаб чиқарган товарларни сотишдан тушган пул тушуми.

д) Маҳсулотни кичик миқдорда доналаб истеъмолчиларга сотиш нархи.

е) Бирлик товарни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари.

ж) Корхона йиллик фойдасининг ҳиссадорлар орасида тақсимланадиган қисми.

з) Ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига боғлиқ бўлган харажатлар.

и) Корхонанинг маълум даврдаги ялпи даромади билан жами сарф-харажатлари орасидаги фарқ.

к) қарз фоизининг асосий қарзга нисбатан йиллик фоиз даражаси.

л) Корхона фаолиятининг фойдалилик даражаси, фойданинг харажатга нисбатан фоиз миқдори.

м) Маҳсулотнинг катта миқдорда кўтарасига сотиш нархи.

н) Қарз маблағидан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ.

|              |   |   |   |   |   |   |   |   |   |    |    |    |    |
|--------------|---|---|---|---|---|---|---|---|---|----|----|----|----|
| Савол номери | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 |
| Жавоб ҳарфи  |   |   |   |   |   |   |   |   |   |    |    |    |    |

## В. Тест саволлари

Куйидаги келтирилган тест жавобларини топиб жадвални тўлдиринг

### 1. Тўғриси топинг:

Банкдан олинандиган қарзнинг йиллик фоиз ставкаси, бу

А) бир йил давомида банкдан олинандиган жами қарз миқдори;

## II ТУР ТОПШИРИҚЛАРИ

В) бир йил давомида банкка қайтариладиган жами пул миқдори;

С) бир йил давомида банкка қайтариладиган фоиз миқдори;

Д) бир йил давомида тўланадиган фоиз миқдорининг олинган асосий қарз миқдорига нисбатан фоиз кўрсаткичи;

Е) бир йил давомида банкка қайтариладиган асосий қарз миқдори.

### 2. Тўғриси топинг:

А) Даромад ва чиқим икки мартадан ортса, фойда ҳам икки марта ортади.

В) Даромад ва чиқим бир хил миқдорга ошса, фойда ҳам шунча ошади.

С) Даромад ортиб, чиқим камайса, фойда камайди.

Д) Сотилган товарлар миқдори 3 март, товар нархи эса 2 марта ортса, даромад 5 марта ортади.

Е) Чиқим икки марта ортиб, даромад ўзгармаса, зарар икки марта ортади.

### 3. Сиз кредит беришнинг қандай асосий шартларини айта оласиз?

- А) бепуллик, қайтарувчанлик, муддатлик;
- Б) фойдалилик, пуллик, қайтарувчанлик;
- В) муддатлилик, пуллик, қайтарувчанлик;
- Г) муддатсизлик, қайтарувчанлик, пуллик;
- Д) пуллик, муддатлилик қайтарувсизлик.

### 4. Қайси ҳолатда фирма фаолиятининг рентабеллиги энг паст?

- А) 6 млн. харажат қилиб, 2 млн. фойда олган;
- Б) 4 млн. харажат қилиб, 1 млн. фойда олган;
- В) 5 млн. харажат қилиб, 1.5 млн. фойда олган;
- Г) 10 млн. харажат қилиб, 4 млн. фойда олган;
- Д) 20 млн. харажат қилиб, 6 млн. фойда олган.

### 5. Куйидаги фикрлардан қайси бири нотўғри?

А) Акционер акцияларини истаган пайтда сотиши мумкин;

Б) Акционер корхона мулкнинг ўз акциясини қийматига мос қисмини ажратиб олиш ҳуқуқига эга;

В) Акционер акциясини даромад олиш учун сотиб олади;

Г) Акционер корхона божқаришда иштирок этиши мумкин;

Д) Акциялар - акция эгасининг мулкдир.

### 6. Маблагдан фойдаланганлик ҳақи қандай аталади?

- А) Даромад;
- Б) Рента;
- В) Фоиз;
- Г) Фойда;
- Д) Ижара.

### 7. Куйидаги тасдиқланган қайси бири нотўғри?

- А) Банкдан кредит олишда акциялар гаров вазифасини бажариши мумкин;
- Б) Соф фойда бизнесни маблағ билан таъминлашнинг ички манбаси ҳисобланади;
- В) Амортизация фонди бизнесни маблағ билан таъминлашнинг ташқи манбаси ҳисобланади;
- Г) Соф фойда ялпи фойданинг таркибий қисми;
- Д) Давлат тадбиркорлик ривожидан манфаатдор.

### 8. Маҳсулотни сунъий туширилган нархларда сотиш сиёсати куйидагича номланади:

- А) Нархи дискриминациялаш;
- Б) Монополия;
- В) Клиринг;
- Г) Демпинг;
- Д) Антимонопол.

### 9. Инфляция пайтида куйида саналган одамлардан қайси бири ютади?

- А) Процентсиз 200.000 сўм қарз олган ўқитувчи;
- Б) 200.000 сўм пенсия оладиган пенсионар;
- В) Кассада инфляция учун процент белгилаб, 100.000 сўм омонати бор инженер;
- Г) Қариндошига процентсиз 800.000 сўм қарз берган врач;
- Д) Юқоридаги фуқароларнинг ҳеч қайсиси.

### 10. Сиз савдо билан шуғулланиш ниятида кичкина дўкон очдингиз. Сиз фермер билан дўконингизга савзавот етказиб бериб туриши ҳақида шартнома туздингиз. Бу битимда сиз...

- А) чакана савдодаги харидор
  - Б) чакана савдодаги сотувчи
  - В) улгуржи савдодаги харидор
  - Г) улгуржи савдодаги сотувчи
  - Д) ишлаб чиқарувчи
- ... сифатида намоён бўласиз.

|              |   |   |   |   |   |   |   |   |   |    |    |    |    |
|--------------|---|---|---|---|---|---|---|---|---|----|----|----|----|
| Савол номери | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 |
| Жавоб ҳарфи  |   |   |   |   |   |   |   |   |   |    |    |    |    |

## С. Масалалар

1. "Само" фирмаси "Асакабанк"дан 2.500.000 сўмни беш ойга, 35% - йиллик фоиз ставкаси билан қарз олган. Муддат ўтгандан кейин фирма банкка қанча сўм қайтариши лозимлигини ҳисобланг.

2. Маълум бир ишни бажариш жараёнининг меҳнат унумдорлиги 40% ошди. Бу ишни бажаришга кетган вақт неча фоизга камайган?

3. Банк мижозга 50000 сўм пулни 2 йилга 8% йиллик фоиз ставкаси билан қарзга берди. Банк ҳар 3 ойда фоиз ҳисоблаб, мижознинг аввалги қарз миқдорига қўшиб ҳисоблаб борадиган бўлди.

а) Мижоз жами банкка неча сўм қайтариши лозим бўлади?

б) Қарзнинг жами фоиз тўловлари неча сўмни ташкил қилади?


**МАКТУБЛАРИНГИЗНИ КУЙИДАГИ МАНЗИЛГА ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:**

**700029. Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 2-уй, 402-хона**


Мулоқот учун телефон:

139-49-32, 139-19-16. Факс: (371) 139-48-23.

Том билан  
Жерри қайси  
уйга кириб  
борадилар?



Томга ҳовузга  
етиб олиши  
учун ёрдам  
беринг.




Жерри  
мактабга  
кетмоқда.  
Нимани  
олиш  
хаёлидан  
кўтарилди?




Томга  
эгизакларни  
топишга ёрдам  
беринг.

Том дўкондан  
ёдгорлик  
сотиб олди.  
Растандан яна  
худди  
шундай  
ёдгорликни  
топинг.



Жеррининг  
бутерброди  
нимадан  
тайёрланганлигини  
топинг.



Мақсуд индамди. У бўлса раҳми келдими, майли, амакиси, энди ўғирлик қилмайди, қўйворинг. Иккинчи ўғирликка чиқсанг, калтак ейсан, тушундингми, Мақсуд-деди раис. Мақсуд бош ирғаб, "хўп" дегандай ишора қилди. Мақкам ака Мақсуднинг қўлини қўйиб юборди. У раҳмат айтиб, аста боғдан чиқиб кетди. У уйига келгунча, орқасига қарамади.

Мақсуд уйига келса, ҳеч ким йўқ эди. У нон қутини қараб, қопқогини очаётган эди, эшикдан Меҳрихоннинг хипчагина гавдаси кўринди.

- Қаерда юрибсиз, Мақсуджон?

- Носиржонларникила,- деди у нима дейишини билмай.

- Нега ёлгон гапирасиз?

Ҳозир чиқиб келдим, у ерда йўқ экансиз.

Мақсуд бироз ўйланиб турди-да, ростини айтиб, бўлган воқеани опасига гапириб берди.

- Битта барваста киши каравотда ўтирган экан, ўша амакимни сўровди, -ишдалар,- дедим. Абдуфаттоҳнинг дадаси мени ўшаттача кўтариб олиб борди.

- Сизга айтган эдим-ку, жўралар билан ўйнаманг, деб. У ёмон бола, ўғри.

- Энди ўйнамайман.

- Яхшига яқинлашсанг, етарсан муродга, ёмонга яқинлашсанг, қоларсан уятга, дейди кексалар. Асло ёмон болалар билан ўртоқ бўлманг, хўпми?

- Хўп, опагон, энди ёмон болалар билан сира ўйнамайман.

Мақсуд уялганидан бўйинини ҳам қилиб ўтирган эди, Меҳрихон қўшиникидан тўрт дона қовоқ сомса олиб чиққан экан, иккитасини берган эди, маза қилиб еб олди.

### УЗОҚКА ЧЎЗИЛМАГАН ҚУВОНЧ

Мақсуднинг Тўрақўрғонга келганига 14 ой бўлди. Май ойининг охири, гўзалар ердан чиқиб, икки, айрим жойларда тўрт кулоқ бўлди. Дов-дарахтлар ҳам гўж-гўж мева қилди.

Айниқса бу йил ўрикларнинг ҳосили яхши. Чунки ўрик гуллаганда қаттиқ совуқ бўлмади-да. Мақсудларнинг ялангидаги оқ ўрик чунонам мева қилдики, шохчаларида баргидан кўп меваси. Гўралар шохчаларига тизиллашиб қолгандай. Қосим ака бир оёғи протез бўлишига қарамай, тоқларни биринчи хомпокини қилиб, тагини чопиб, озгина очкилик ер бор эди, ўша жойга маккажўхори, ловия экиб бўлди.

Эрталаб Меҳрихон далага кетаётган, Мақсудга тайинлади:

- Мактабдан келсангиз, далага бормай, шу ерда ўйнаб туринг, мен вақтпроқ келаман. Қорнингиз очса, айвонга нон қўйинг,- деди.

Мақсуд у айтгандек мактабдан келиб, айвондаги зоғора нонни олиб Қаҳҳор билан еди-да, у билан ҳовуз бўйидаги голдан чумчуқнинг тухумини олиб, томнинг орқасидаги арининг эски уясини бузиб, у ерга кичкинагина эшикча ясаб, уя қилишди. Меҳрихон даладан келди ва ўзини оқ ўрик тагидан суяга

ташлади.

- Мақсуджон!

- Ҳа, опа.

- Ҳўра егим келаяпти.

- Ҳозир олиб келаман.

Мақсуд бир зумда боққа кириб бир сиқим гўра (довучча) олиб чиқиб берди-да, сўради:

- Энди ўйнайверсам

№ дан № га

Ортиқбой деган бола чунонам соққа ўйнашга уста эдики, ҳамма боланинг данагини ютиб олганди. Абдурайим билан Боқи данакларини ютқазиб қўйиб, Носиржонларнинг боғига кириб, ўрик тагидан ланак тергани кетишди. Мақсуд у ерга бориб чумчуқнинг уйи-нима бўлганини Қаҳҳордан сўради.

Шу пайт Косонсой томонда бир тўп қора булут бурқсаб бомба портлагандек, тутунга ўхшаб, осмонга кўтарилди. Косонсой Тўрақўрғоннинг шимол томонида. Шимол Чотқол тоғи бўлиб, булут ҳар доим анга шу томондан келарди.

Маҳмуд ИБРОҲИМОВ

# МЕРОС

## УРУШ! НОМИНИ Т УЧУНИ



Мен урушдан ва урушишдан жуда-жуда кўрқаман. Бу билан мени жуда кўрқоқ бола экан, деб ўйлашмасин дўстларим. Аммо дунёда урушнинг оқибатлари нималарга олиб келганини ва одамлар бошига қанчалар қулфатлар ёғдираётганини радио, газета ва телевизорларда кўриб, ўқиб, эшитиб турибмиз. Айниқса, «Тонг юлдузи» газетасида босилиб чиққан

«Мерос» номли қисса қаҳрамони Мақсуднинг бошидан ўтган воқеалар кишини урушга бўлган нафратини янада ошириб юборди.

Ахир бечора Мақсуд уруш туйғули ота-онасидан ажралди. Боз устига уни асраб олган уруш ногирони Қосим ака ҳам бир оёғидан ажралиб, қишлоғига келиб, урушдан кейинги оғир шароитларда яшаб, ишлаб ҳаётдан армон билан ўтади. Шунинг учун мен ҳар доим юртимиз тинч, осойишта бўлсин деб, бир умр ният қиламан.

Акmalжон АХМАДАЛИЕВ,  
Тошкент шаҳри,  
Ҳамза туманидаги  
244-ўрта мактабнинг  
7-синф ўқувчиси.

майлими?

- Мунча оз, кўпроқ опчиқмайсизми? - деди ва -узоққа кетиб қолманг, хамир қилиб қўйганман, тандирга ўт қўйиб берасиз.

- Хўп.

Меҳрихон гоҳ ҳафа, гоҳ хурсанд эди. Баъзан ўзидан-ўзи хиргойи қилиб, хурсандчилигини яширолмасди. Ҳатто бир куни -Мақсуджон, чақалоқнинг ўғил боласи яхшими, қиз боласими? -деб сўраган эди Мақсуд -Барибир, агар қиз бола синглим бўлганда қандай қиз бўлардики, эҳ...,- деди.

- Қани, энди сизга ўхшаган ўғил бола бўлса, ўйнатар эдингизми? - деди Меҳрихон.

Уларнинг суҳбати нима мавзуда бўлаётганини Мақсуд билмаса ҳам опасининг фарзанди бўлишини жуда-жуда истар эди. Чунки бола учун ҳам яқкаликдан ёмони бўлмас экан. Кун пешиндан оққан эди. Бугун куёш шундай қизилдики, худди саратоннинг ўзгинаси эди. Ташқарига чиққан Мақсуд Боқиларнинг ҳовузи томон юра бошлади. У ерда Абдурайим, Боқи, Қаҳҳор, Носиржон ва Кўтарма маҳалласидаги иккита бола ҳам бор эди. Улар соққа ўйнашар эди. Кўтармалик

- Тухуми билан уйчани деворнинг қавагига яшириб қўйганман,- деди Қаҳҳор,- ҳозир бориб олиб бераман.

- Юр, ўшада ўйнайлик, илтимос қилди Қаҳҳордан Мақсуд.

- Ҳозир, озгина ўйнайлик...

Афтидан у ҳам данакларини кўтармалик болага ютқазиб қўйиб, қайтиб ютиб олмақчига ўхшайди.

## ҲЕЧ КИМ ЕТИМ БЎЛМАСИН

Инсон туғилиб ақлини танибдики, атроф муҳитга назар солар, ўрганар ва кузатар экан. Мен ҳам ўн олти ёшга қадам қўяётган бўлсам ҳам тинмай ўқийман, ўрганаман.

Бу билан нима демоқчиман? Инсон ўқиб ўргансагина аввало ўз қадрига, сўнгра ўзгалар қадрига етар экан. Мен «Тонг юлдузи» газетасида босилаётган «Мерос» қиссасини ўқир эканман, унинг бош қаҳрамони Мақсуд ҳаётини кузатиб, етимлик қанчалар болалар учун оғир ва аянчли эканлигини сезяпман. Чунки бундай етимлар уруш пайтидагилардан бутунлай фарқ қиладилар. Бироқ етимнинг ҳаётини фақат етим бўлганларгина тасаввур қилишлари мумкин. Ахир ҳозирги етимлар қорни тўйиб, усти бут бўлгани билан унинг қалби ота-она меҳрига ташна-ку! Ахир инсон, айниқса, ёш бўлган энг аввало маънавий озуқа ҳисобланган ота-онаси

меҳрига қониши керак-да. Синфимизда Адҳам деган бола бирга ўқийди. Дадаси уни тарк этган. У аммаси билан бирга яшайди. Бироқ синфимиздаги болаларга қараганда бутунлай бошқача, маънос, ҳа деганда болалар билан эркин, қувнаб ўйнаб кулавермайди. Унга ҳаётда нимадир етишмаётгандек яшайди ва ўқийди. Унинг бувиси қишлоқнинг обрўли аёллардан бири, Адҳамга оналик меҳрини бериб туради. Бироқ бола учун ўз ота-онасининг меҳри бутунлай бошқача бўлар экан-да.

Шунинг учун илоҳим ҳеч ким ота-онадан ажралиб, бировлар тарбиясига, меҳрига муҳтож бўлмасин дейман.

Фарҳод ТЕМИРОВ,  
Наманган вилояти, Тўрақўрғон  
туманидаги, 1-ўрта мактабнинг 10-синф  
ўқувчиси.



Бувижоним «Акангни уйлантирамиз», - деганларида ҳаммадан ҳам мен суюниб кетдим. Бобом вафот қилганларидан бери ҳаммалари йиғлайвериб-йиғлайвериб озиб кетишган эди-да, овқат ҳам емай қўйишганди. Бувижоним ўзлари ейдиганларини ҳам менга тиқиштиравердилар: «Ол, болам, иссиғида еб ол», деб ҳозиргина тандирдан узилган сомсами, овқатларидан чиққан гўштми менга илинардилар. Айниқса мен ҳув анави муштимдек келадиган буюртма сомса борку, ўшани енг, деб бувижонимни қисташганини яхши кўраман. Улар, тишим ўтмайди, десалар ҳам қўйишмайди. Қўллари қайтмасин, деб оладилару мени сийлайдилар. Боришим билан сомсанинг қорнини ёриб олдимга қўядилар. Ичидан иштаҳани карнай қилиб юборадиган ис таралади, гупиллаб кўтарилган

да. Ўзлари лик этиб ютиб юборсалар бўлади-ю лекин илигинг бақувват бўлсин, дейдилар. Акамнинг оғзиларидан сувлари келиб қолаверади. Тўйнинг дарағи чиққандан бери акамга қараб-қараб қўядиган одат чиқарганман. Авваллари сочлари билан ишлари йўқ эди.

Акамнинг елкамини тутган қўллари секин-аста бўшади. Хавотирланиб сўрайдилар.  
- Қаерда кўрдинг?  
Ана энди нима деб жавоб беришимни билмай, жилмаяман. Акамнинг юзи эса лов-лов ёнади. Юзлари эмас, ичлари ёнаётганини сезаман.  
- Қаерда кўрдинг? -

олдиларидан ура қочаман. Акам тўхта, деганларича батинкаларининг ипини чала-чулпа боғлаб орқамдан югурадилар. Мен гулзор орасига қочаман. Акам қувадилар. Ошхонага кирволиб деразадан ховлига ошиб тушаман. Акам ечилиб кетган батинкалари ипини босволиб

қувайсанми,- дейдилар бувим норози бўлиб.  
- Шу кичкина болами? Муштимдек бўлиб яхши кўришни биледи-ку. Бувим хангу-манг бўлиб қоладилар.  
- Тушунтириброқ гапир, болам. Акам нима дейишларини билмайдилар. Юзлари лов-лов ёнади.  
- Анувчи, буви, кеннойимчи, ану...  
- Ҳадеб чайналмай гапирроқол,- дейдилар.  
- Кеннойим жингалак сочли йигитни... - бошқасини овоз чиқариб айтиб яна акамни довдиратгим келмайди. Бувижонимнинг кулоқларига пичирлайман. Акам дам қизариб-, дам бўзариб нари кета бошлайдилар. Бувижоним аввалига унча тушунмайди. Кейин бирдан нима бўлганини сезиб бошларини сарак- сарак қилиб, кулиб ҳа, шайтон, деб қўядилар. Акам кўча эшик томон кетаётиб, таққа тўхтайдилар. Бувижонимнинг нимадир дейишларини кутадилар. Менинг қувноқлигим акамнинг гашларини келтиради.  
- Бу ёққа кел, болам.  
Акам буйруққа бўйсинадилар.  
- Бор, ойнани олиб чиқ. Мен ойнани олиб чиқаман.  
- Акангга бер. Акам елкаларини қисиб ойнани оладилар.  
- Қарамайсанми?  
Акам ойнага қарайдилару шарақлаб кулиб юборадилар. Сочлари жингалаклиги энди эсларига тушади.

## ЖИНГАЛАК СОЧЛИ ЙИГИТ

Энди эрталаб турадилару ойнанинг олдига бориб оладилар. Парқларини дам чап томонга, дам ўнг томонга очиб кўрадилар. Дам сочларини панжалари орасига олиб, ўзи жингалак сочларини яна ҳам жингалак қилмоқчи бўладилар. Мен олдиларига бориб тураман-да, «ака кеннойим жингалак сочлини яхши кўрадиларми», - дейман. Акам тўхтаб туриб қоладиларда кўзларини бирдан катта очиб юборадилар.

- Қанақа жингалак сочлини? - ранглари қум-қут ўчиб кетади.

- Шунақада, жингалак сочлини, - дейман акамнинг чўчиб кетганларига маст бўлиб.

- Қатган биласан,- дейдилар титраб кетиб ва шартта чўкка тушиб кифтимдан тутадилар.

- Биламан-де,- дейман бўш келмай.

- Ростингни айт, ўзинг кўрдингми? - худди оғзиларида бир нарса бордек югинадилар.

- Кўрдим,- дейман.

сўрайдилар яна.  
- Ишонмайсизми, кўрдим-да.  
- Ишонмайман.  
- Ишонмасангиз ўзларидан сўранг.

Мен шундай дейману нари кетаман. Дарахтнинг панасига ўтиб акамни кузата бошлайман. Акам уёқ, бу ёққа юрадилар. Кейин бирдан телефон гўшагини кўтардилар ва ниманидир ўйлаб яна жойига қўядилар. Акамнинг сочлари бирпасда тўзиб кетганга ўхшайди. Уйга кириб апил- тапил кийиниб чиқадилар. Батинкаларини кияётганларида охиста олдиларига бораман. Мени деярли кўрмайдилар.

- Ака,- дейман чўзиб. Акам тўсатдан уйқудан уйғонгандек чўчиб менга қарайдилар.

- Нима дейсан?

Акамнинг холатларидан роса кулгим қистайди-ю ўзимни тўхтаиб тураман.

- Ака-чи ака мен жингалак сочли йигитни танийман,- дейману

энтикиб кетадилар.  
- Тўхта.  
Бизнинг тўс-



тўпалонимиздан хабардор бувижоним аввалига кулиб қўядилар. Кейин акамнинг важоҳатларини кўриб, - ҳай сенларга нима бўлди? дейдилар хавотирланиб. Мен хиринг-хиринг кулиб қочаман. Акам еб қўйгудек бўлиб қувадилар. Бувимнинг паналарига ўтаман-да: «Тутолмайсиз, кал-кал, тутолмайсиз кал-кал», деб яна акамнинг жигига тегаман. Негадир уларга раҳмим келиб, ўзимни «тутиб» бераман.

- Уйланадиган йигит кичкина болани

бувижонимнинг кулоқларига пичирлайман. Акам дам қизариб-, дам бўзариб нари кета бошлайдилар. Бувижоним аввалига унча тушунмайди. Кейин бирдан нима бўлганини сезиб бошларини сарак- сарак қилиб, кулиб ҳа, шайтон, деб қўядилар. Акам кўча эшик томон кетаётиб, таққа тўхтайдилар. Бувижонимнинг нимадир дейишларини кутадилар. Менинг қувноқлигим акамнинг гашларини келтиради.  
- Бу ёққа кел, болам.  
Акам буйруққа бўйсинадилар.  
- Бор, ойнани олиб чиқ. Мен ойнани олиб чиқаман.  
- Акангга бер. Акам елкаларини қисиб ойнани оладилар.  
- Қарамайсанми?  
Акам ойнага қарайдилару шарақлаб кулиб юборадилар. Сочлари жингалаклиги энди эсларига тушади.

Яйра САЪДУЛЛАЕВА



буғ орасидан бувимнинг бош бармоқларидек келадиган думба кўринади. Бувижоним ана шунақа, мазали думбани яхши кўришимни биладилар-

### ТОШИШ МОҚЛАР

|   |   |
|---|---|
| Донолар қўлида у,<br>Инсон учун дастёр<br>Нодонлар қўлида-чи<br>Инсон бошин даст ёрар.<br>Донолар кўп ишлатса<br>Бугун ер- кўкни олар.<br>Нодонлар ишлатса-чи?<br>Ҳаёт учун ҳавф солар. | xxx<br>Ўзи бир сўз,<br>Уч ҳарф<br>Меҳри оламга<br>Таъриф,<br>Уни севар<br>Ҳар фарзанд.<br>У инсонга<br>Жигарбанд. |
|---|---|

(моқу) (внО)

**Йўлдошали ҚУРБОНОВ,**  
Фарғона вилояти, Қува туманидаги 41-мактаб ўқитувчиси.

### ГУЛЛА, ЯШНА ЎЗБЕКИСТОН

|  |  |
|--|--|
| Номинг улуғ, ҳайрон жаҳон<br>Ҳар қадамда боғу-бўстон.<br>Сенинг учун битай дoston.<br>Гулла, яшна Ўзбекистон!          | Юксалишинг кўриб жаҳон<br>Қудратинга долу-ҳайрон<br>Тўхтамагин энди бир он,<br>Гулла, яшна Ўзбекистон!   |
| Ёмғир ёғса баҳор гўзал,<br>Гуллар кулган наҳор гўзал.<br>Тўлиб оққан анҳор гўзал<br>Гулла, яшна Ўзбекистон!            | Талашини неча хонлар,<br>Тирмашини сақлаб жонлар.<br>Шаҳид кетган ноҳақ қонлар<br>Ҳаққи яша, Ўзбекистон! |
| Осмонингда порлар куёш,<br>Кечалари ой ҳам сирдош.<br>Нурдан баҳра кекса-ю ёш<br>Гулла, яшна Ўзбекистон!               | <b>КАМАЛАК</b><br>Кўкка чикди камалак<br>Аргимчоқ мисол.<br>Гўёки етти малак-<br>Гўзал, навниҳол.        |
| Мардга ихлос қўйган Ватан,<br>Темур бобом суйган Ватан.<br>Бобур кетиб куйган Ватан<br>Гулла, яшна Ўзбекистон!         | Товланиши ёқар дил<br>Тўймайди кўзим.<br>Таърифин қилолмай тил,<br>Йўқотган сўзин.                       |
| Ўз ўглинг бор, ўз қизинг бор,<br>Юлдузинг бор, пок изинг бор.<br>Минбарларда ўз сўзинг бор,<br>Гулла, яшна Ўзбекистон! | <b>Латофат НАЗАРОВА,</b><br>Тошкент вилояти, Бўка тумани,<br>1-мактабнинг<br>8-синф ўқувчиси.            |

|   |   |  |   |
|---|---|--|---|
| <p><b>ТОНГ ЮЛДУЗИ</b><br/>Муассислар:<br/>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ<br/>ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚўМИТАСИ<br/>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ<br/>ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,<br/>«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»<br/>ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ</p> | <p>Бош муҳаррир: Умида АБДУАЗИМОВА<br/><b>ТАХРИР ХАЙЪАТИ:</b><br/>Йўлдош САИДЖОНОВ, Омон МАТ-<br/>ЖОН, Гулнора ЙўЛДОШЕВА, Мукаррама<br/>МУРОДОВА, Мирзапўлат ТОШПўЛАТОВ,<br/>Музаффар ПИРМАТОВ, Баҳодир ТОҒАЕВ,<br/>Равшан ҚАМБАРОВ, Феруза ОДИЛОВА</p> | <p>IBM компьютерида терилди ва<br/>саҳифаланди. Офсет усулида<br/>босилди. Ҳажми 1 босма табоқ<br/>Буюртма — <b>К-73-60.</b><br/>43.351 нусхада босилди.<br/>Қоғоз бичими — <b>А-3.</b><br/>Босишга топириш вақти <b>19.00</b><br/>Тошнирилди — <b>18.00</b></p> | <p>Рўйхатдан ўтин<br/>тартиби № 000137<br/>Манзилимиз: 700129,<br/>Тошкент шаҳри,<br/>Навоий кўчаси, 30 уй.<br/>Нашр кўрсаткичи:<br/>№ 64563<br/><b>Телефон:</b><br/><b>144-62-34</b></p> |
|---|---|--|---|